

**ИНТЕГРАЦИЯ ШАКЛЛАРИНИНГ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

ф.-м.ф.н., доцент А.Мавлянов

ассистент Б.М.Ишанходжаев

Астрахан давлат техника университети

Тошкент вилояти филиали

Ушбу мақолада корхона ва таълим муассасалари орасида интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш масалалари, корхона - таълим муассасаси тизими, интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш йўналишлари кабилар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: таълим, дидактик, метод, восита, шакл, ўқув, илмий, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, интеграция, рақобатбардош, глобаллашув, меҳнат бозори, иқтисодиёт, реал сектор, ижтимоий, санъат, бизнес, ҳуқуқ, муҳандислик, ишлаб чиқариш, комплекс ва б.қ.лар.

В данной статье речь идет о задачах совершенствования процесса интеграций между предприятиями и образовательных учреждений, системе предприятия - образовательная учреждения, совершенствование направлений интеграционных процессов.

Ключевые слова: образования, дидактический, метод, средство, форма, учебный, научный, современные педагогические и информационные технологии, интеграция, конкурентноспособность, глобализация, трудовой рынок, экономика, реальный сектор, социальный, искусства, бизнес, права, таъминот, инженерия, производства, комплекс и т.д.

This article deals with the tasks of improving the process of integration between enterprises and educational institutions, the enterprise system - educational institutions, improving the directions of integration processes.

Key words: education, didactic, method, means, form, educational, scientific, modern pedagogical and information technologies, integration, competitiveness, globalization, labor market, economy, real sector, social, arts, business, law, ta'minot, engineering, production , complex, etc.

КИРИШ

Республикамизда миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларида

корхона ва таълим муассасалари орасида **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш** масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимизга илғор технологиялар ва чет эл инвестицияларини кириб келиши натижасидаги глобаллашув жараёнлари меҳнат бозори талабларини тез ўзгарувчанлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолларда малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий бўғинлари – корхона ва таълим муассасалари **кадрлар истеъмолчилари** тизимларининг замон талабларига мос ҳолда фаолият юритиш масаласининг долзарблиги ортади.

Сифатли, рақобатбардош ва малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш тизими мослашувчанлигини оширишнинг замонавий йўлларида бири - бу амалий кўникма ва назарий билимларни татбиқ этувчи узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдир. Узвий боғланган узлуксиз таълим тизими шаклланиши натижасида бу бўғинлардан самарали фойдаланиш ҳамда тайёрланаётган кадрлар салоҳиятидан ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш ўринларини замонавий мутахассислар билан тўлдириш имконияти яратилди.

Бугунги кунда жаҳондаги глобаллашув жараёнларини ҳамда хориж инвестицияларини кириб келиши таълим тизимининг мослашувчанлигини янада оширишни талаб этмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш тизими мослашувчанлигини оширишнинг замонавий йўлларида бири – бу амалиётчи бакалаврларни тайёрлашдир. Бу таълим муассасалари ҳамда тайёрланаётган кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Шу сабабли, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, улар орасида интеграция жараёнларини кучайтириш, таълим самарадорлигини ошириш ва меҳнат бозори талабалари асосида кадрлар тайёрлашнинг мавжуд таълим йўналишларини иқтисодиётнинг долзарб ва устувор йўналишларига мос йўлга қўйиш талаб этилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграциясини янада такомиллаштириш жараёнлари бугунги кунда бевосита кадрлар тайёрлаш тизими шаклланишига йўл очиб берди. Бу борада таълим муассасаларининг йўналишлари ва ихтисосликлари талабга мувофиқ ўзгарувчан шаклга келтирилди. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг реал секторлари ҳамда ижтимоий соҳалардаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг мутахассис кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб соҳалар ривожланишининг истиқболлари, кейинги йилларда қабул қилинган ҳудудий дастурларни ҳисобга олган ҳолда айрим таълим муассасалари қайта ихтисослаштирилди, айримларида касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилиши ҳисобига бошқа касблар бўйича кадрлар тайёрлаш янгидан йўлга қўйилди, меҳнат бозоридаги эҳтиёжларни қондирилганлигини инобатга олиб қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш бошқаси билан

алмаштирилиши, мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланиши янгидан йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар асосида талабаларни қабул қилиш кўрсаткичлари – таълим, санъат ва маданият, ижтимоий фанлар бизнес ва ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларини камайтириш ҳисобига - қишлоқ ва сув хўжалиги, хизмат кўрсатиш, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари соҳалари оширилди. Буни бевосита интеграция жараёнларини кенгайтириши ҳамда ишлаб чиқариш билан таълимнинг узвийлиги ривожланиб боришини натижаси сифатида кўрса бўлади. Лекин, интеграция жараёнлари фақат шу билан чекланиб қолмаган албатта.

МЕТОДЛАР

Бугунги кунда “Корхона - Таълим муассасаси” тизими қатор таълим муассасаларида самарали йўлга қўйилган. Бу тизим уларнинг йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграциясини таъминлайди. Бунда тайёргарликнинг асосини назарий билимлардан бевосита ишлаб чиқариш шароитида фойдаланиш ташкил этади. Жумладан, Қўнград сода корхонасида бу усулдан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Талабалар кундузи таълим муассасасида таълим олишса, куннинг иккинчи ярмида ўз билимларидан корхоналарда ўқув амалиётлари шаклида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишмоқда. Бунда ишлаб чиқариш тизими билан таълим муассасаси ўртасида узвийлик шаклланади. Таълим муассасаси ўз ҳамкори учун мутахассислар етказиб беради. Ҳамкор эса, таълим муассасасини ўқув жараёни, малакали мутахассислар тайёрлаши учун зарурий шароитлар билан таъминлайди.

Жамиятда юз бераётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тизимлардаги янгиланишлар ишлаб чиқариш салоҳиятининг тезлик билан ошиб боришини белгилайди. Ишлаб чиқариш корхоналарини мутахассис кадрлар билан таъминлаш ушбу жараённинг узвий босқичи ҳисобланади. Ушбу ҳолатда бирор бир соҳанинг оқсаши жамиятдаги мувозанатга таъсир кўрсатади. Ўқиш даврида ташкил этиладиган амалиётлар олий таълим тизимида талабаларни ишлаб чиқариш тизимлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ягона жараён ҳисобланади. Таълим интеграцияси таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги узвий ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилади. Бунинг яна бир қанча шакллари бугунги кунда мавжуд

Ўқув - илмий - ишлаб чиқариш комплекслари таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш корхонаси, фирма ёки шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар билан келишув шартномаси орқали ташкил этилади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш фаолияти, балки илмий-тадқиқот фаолиятлари ҳам кўзда тутилади. Бу орқали

талабаларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган филиаллар ёки таянч кафедралар ҳам олий таълим ҳамда ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Кафедра филиаллари таълим муассасасида ўқув-лаборатория базаси мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб боришни таъминлайди.

Фундаментал илмий-техникавий масалаларни ечиш, илмий ишланмалар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий-муҳандис мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқув-илмий ва муҳандислик марказлари ташкил этилади. Муҳандислик тадқиқот марказлари янги технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш, техника ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида ташкил қилинади. Бу марказлар таркибига илмий-тадқиқот марказлари, академиялар, олий таълим муассасалари жалб қилинади.

Мақсадли интенсиф тайёргарлик - талабаларни иқтидори бўйича танлаб олиш, ўз қобилияти, иқтидори доирасида ривожлантириб бориш тизими бўлиб, бунда талаблардан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади. Тайёргарлик давомида чуқур фундаментал ва махсус билимларни эгаллаш лозим бўлади.

НАТИЖАЛАР

Технопарклар шакли ҳозирда Буюкбритания, АҚШ, Германия, Австралияда кенг қўлланиб келинаётган усул ҳисобланади. Бунда таълим муассасаси лабораториялари базасида илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилади. Унинг биринчи босқичида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, унга талабалар жалб қилинади. Ўқув циклининг биринчи босқичида, улар фақат назарий билимлар олишади. Кейинчалик, ўз билимларини мустақил амалиётларда қўллашади. Олинган билимлар натижасида, техник лабораторияларда илмий натижалар - маҳсулот, технологиялар яратилади. Интеграциянинг ушбу шакли ҳам мамлакатимизга аста-секин кириб келмоқда (Турин политехника университетининг Тошкент филиали).

Мазкур интеграция шакллари малакали мутахассислар тайёрлашда қатор афзалликларни таъминлайди: касбий ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда, уларни иш билан таъминлашда вақт унумдорлигига эришилади; кадрлар тайёрлашда сарф харажатлар камаяди; таълим муассасасининг ўқув-илмий ва техник-лаборатория базаси мустаҳкамланади; меҳнат бозори, ишлаб чиқариш тизими ва мутахассислар ўртасида рақобат муҳити шаклланади. Натижада ишлаб чиқариш кадрларининг сифати ошиб боради.

Интеграциянинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: интеграция бир пайтнинг ўзида икки хил табиатга эга, бир томондан у жараён, иккинчи

томондан эса натижани англатади; ўзаро алоқадорлик, ҳамкорлик, муносабат омиллари интеграцияни таъминловчи асосий хусусиятлар ҳисобланади; интеграция шундай жараёнки, у элементларнинг асосий хусусиятларини ўзгариб бориши асосида уларнинг янги элементлар билан бирикишини ҳамда сифатини таъминлайди; интеграция тизимнинг мувозанати ва унинг ривожланиш механизмини белгилайди.

Глобаллашув ва информатизациялашув жараёнлари ҳозирги замоннинг кўринишини ифодалаб бермоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари: ижтимоий-иқтисодий тизимлар, техника, таълим, маданият ва ҳаттоки экологик жараёнлар ҳам ривожланиб бормоқда. Муттасил ўзгариб бораётган жамиятда инсон ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга мослашиб бориши, янги билим, технологияларни эгаллаб бориши, ижтимоий фаол ҳамда ҳаракатчан, юксак касбий малакага эга бўлмоғи лозим.

Ушбу омиллар инсоннинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашини белгилаб беради. Шу ўринда таълимнинг функциялари ўзгариб, жамиятнинг ижтимоий муносабатларига мослашиб, эндиликда иқтисодий тизимлар билан интеграцияга киришади. Интеграция механизм сифатида иқтисодий тизимлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда таълимнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш масалаларини ҳал этади.

МУНОЗАРА

Корхона ва таълим муассасалари кадрлар истеъмолчилари билан интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш доирасида қуйидаги масалаларни ҳал этиш назарда тутиш лозим:

- **корхона ва таълими муассасалари кадрлар истеъмолчилари билан интеграциялашув жараёнларини** таъминлаш методологияси ва дидактикасини аниқлаш;
- уларни ташкил этиш жараёнида талабаларга уларнинг асл мақсадини тушунтириш;
- фанларни ўргатишда уларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб бериш;
- мазкур **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштиришга** хизмат қиладиган дидактик тамойилларни аниқлаш, истиқболли имкониятларини асослаш;
- мазкур **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш** асосида таълим-тарбия имкониятларини кенгайтириш, уларга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мазкур интеграцияда ўргатишга йўналтирилган педагогик жараённинг назарий-амалий асослари ишлаб чиқиш;
- мазкур **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштиришга**

йўналтирилган жараённинг самарадорлик даражаси аниқлаш;

- таълим-тарбия жараёнида мазкур **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштиришга** йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни таълим амалиётига татбиқ этиш мазмуни ва тизимини аниқлаш;

- мазкур интеграцияни таъминловчи ўқув материаллари, топшириқлар, машғулот ишланмалари, моделлари, илмий-методик тавсиялар билан бойитиш;

- фан дастурлари, дарсликлар, ўқув-методик мажмуалар тузиш, ўқув режасини такомиллаштириш, мазкур интеграцияга асосланган жараён мазмунини белгилаш, уни ахборот технологиялари билан таъминлаш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда самарали фойдаланиш;

- талабаларнинг фанлардан асосий тушунчаларини бойитиш мақсадида интеграцияни таъминловчи дидактик шарт-шароитлар, методлар, восита ва шакллар ишлаб чиқиш;

- турли фанларнинг махсус фанлар билан интеграциясини ўрганиш натижасида талабаларнинг илмий тафаккур ҳамда дунёқарашларини ривожлантириш;

- турли фанларни мувофиқлаштирган ҳолда ўрганишда тақдим этиладиган билимлар изчиллигига амал қилиш;

- **интеграциялашув жараёнларини такомиллаштириш** асосида талабаларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш;

- талабалар ўзлари эгаллаган билимларини турли шароитларда қўллай олишлари, мазкур билимларнинг амалий аҳамиятини турли вазиятларда татбиқ этиш имкониятларини эгаллашлари;

- уларнинг ўқиш, ўрганиш, эгаллаган билим ва кўникмаларини тизимлаштириш ва умумлаштиришга эришиш;

- жамият ва табиатда содир бўлаётган турли ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни фанлар мазмунига сингдирган ҳолда жараённи ташкил этишни таъминлаш;

- талабаларнинг машғулот материалларини эгаллашлари жараёнида, уларнинг билиш фаолиятлари ва мустақил фикрлаш кўникмаларини мунтазам ривожлантириб бориш;

- уларнинг ўзаро алоқадор фанлар бўйича билимларни эгаллашлари жараёнида уларнинг муайян соҳа ва касб-хунарга қизиқишларини ривожлантириш;

- интеграцияни изланиш, идрок этиш кўникмаларини шакллантиришда муаммоли ёндашиш билан бирга амалга ошириш;

- интеграция доирасини кенгайтириб бориш билан бир вақтда унинг машғулот жараёнидаги муаммолилик даражасини кучайтириш, мураккаб

умумлашган малакаларни эгаллаш учун зарур;

- педагоглар ўз фаолиятларида маҳоратларини оширишлари учун зарур бўлган мунтазамлиликни ва ўзаро алоқадор фанлар бўйича билим ва ҳаракатлар усулларини кўчиришда машқларни таъминловчи интеграциядан мунтазам фойдаланиш;

- интеграцияга тааллуқли муаммоларни ажратиб кўрсатиш, уларни ҳал этиш тизимлари ва машғулотлари, уларни ташкил этиш шаклларида фойдаланишда фан педагогларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш.

Мазкур интеграция ўқув-билув жараёни мазмуни, методи, шаклини ўзгартириб ўқитиш вазибаларининг ўзаро алоқадорлиги, бунда талаба шахсини ривожлантириш ва тарбиялашга таъсир кўрсатади. Бу уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзаро алоқадорлик муносабатларига киришишини таъминлайди:

- мазкур интеграцияни таъминлаш талабанинг ўқиш, ўрганиш, татбиқ этиш фаолиятининг таркибий қисмларига муайян таъсир кўрсатади;

- ўрганилаётган фаннинг умумий ва хусусий мақсадлари бирлиги сезиларли даражада намоён бўлади;

- мазмунан ўзаро яқин фанларга қизиқиш талаба ўқув фаолияти майлларини бойитади;

- фаолият мазмуни янада умумлашиб бойиб боради, қатор фанлар учун умумий бўлган жараёнлар ва ҳодисалар, ғоялар, назариялар, қонунлар, тушунчалар, далиллар орасидаги алоқадорлик таъминланади;

- эгалланган билимларини қўллаш усуллари интеграция мазмунида умумлашади, идрок этиш жараёни фаоллашади.

Интеграциялашув жараёнларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мумкин:

- талабаларда илмий дунёқарашнинг шаклланиши учун зарур булган аралаш типдаги илмий далиллар, назарий қоидалар, қонуниятлар, ғояларга таяниш орқали билим ва тушунчалар тизимини бойитиш;

- аралаш фанлар учун умумий бўлган билим, кўникма, малакаларни ва биринчи навбатда фанлар ўртасидаги ғоявий боғлиқликни ўзлаштириш ҳамда мураккаб методларга асосланадиган элементар кўникмаларини шакллантириш. Чунончи, топшириқни таҳлил қилиш, қўллаш, машғулотда харита билан ишлаш кабилар;

- умумлаштирилган ўқув материаллари асосида эгалланган билим, кўникма, малакаларни тўғри қўллай олишга нисбатан муносабатни шакллантириш, бунда амалиётлар интеграциясини англаш ва фанларни мукамал билиш алоҳида аҳамиятга эга;

- фан асосларини амалиётда мужассамлаштирган ҳолда қўллашда касб ва

меҳнат кўникмаларини ривожлантириш.

ЯКУН

Демак, ҳозирги замон талабаларини баркамол авлод сифатида шакллантириш, уларга мустақкам билим бериш, турли фанлари бўйича кўникма ва малакаларини бойитишда мазкур **интеграциялашув жараёнларини** такомиллаштириш катта аҳамияга эга:

- машғулот жараёнида талабалар эгаллаган билимларни мустақкамлайди, бойитади;

- машғулот жараёнида эгаллаган билимларини амалиётда қўллашга ўргатади;

- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ўқув материалларини мустақил ўрганишга нисбатан маҳоратларини шакллантиради.

Шундай қилиб, бугунги кунда корхона ва таълим муассасалари орасида **интеграциялашув жараёнларини** такомиллаштириш, корхона - таълим муассасаси тизими сифатини яхшилаш келажак учун етук мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947- сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Мусаев У. Интеграция - таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим принципи. //Халқ таълими журн., -2002, № 6. -Б.4-7.

3. Мусаев П. Ўқув фанларининг функционал вазифаси ва уларни интеграциялаш масалалари / ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар / Семинар материаллари. ХТВнинг илмий мақолалар тўплами. Т.: - 2002. - Б. 34-37.

4. Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы, 2-е переработанное изд. -М,: Высш. шк., - 1991.- 224 с.

5. Скаткин М.Н. Совершенствование процесса обучения. - М.: Педагогика. - 1991. - 206 с.